

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 72 (11.133)

Баҳоси эркин нарҳда

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

ШУ ЙИЛ 15 АПРЕЛЬ КУНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. СЕССИЯДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚ СЎЗЛАДИ.

Бугунги кунда бунёдкор Самарқанд ахли ҳаётимизнинг кўпгина соҳа ва тармоқларида катта ютуқ ва натижаларни қўлга киритаётганини алоҳида таъкидлаш зарур, деди Ўртбошимиз.

Маълумки, Самарқанд ўзининг иқтисодий-ижтимоий салоҳияти билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган етакчи вилоятларимиздан бири ҳисобланади. Бунинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 6,3 фоизи, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 13 фоиздан зиёди, хизматлар ва сервис соҳасининг 8 фоизи бугун мана шу вилоят ҳиссасига тўғри келаётганида ҳам қўриш мумкин.

Этиборли томони шундаки, ана шундай салоҳият йилдан-йилга ортиб ва мустаҳкамланиб, вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина 2007 йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10,5 фоизга, саноат маҳсулотлари 24,6 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги 6,3 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 37 фоиз, экспорт ҳажми эса 35 фоизга ошгани ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди. Масалан, саноат соҳасини оладиган бўлсак, ўтган йилнинг ўзидagina бу ерда 21 та янги корхона ташкил этилиб, 10 та корхонада ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилган, соҳа ривожига 10 миллион АҚШ доллари ва 1 миллиард 400 миллион сўм миқдорда хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб қилиниб, 1000 дан ортқ янги иш ўрни яратилгани эътиборга лойиқ, албатта. Ана шундай корхоналарда кимёвий товлар, қурилиш материаллари ва мотор мойи сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, айниқса, автомобилсозлик саноати янги босқичга кўтарилганини алоҳида қайд этиш керак.

Бугунги кунда "СамАвто" заводидagina япониялик ҳамкорлар иштирокида ишлаб чиқарилаётган "Исузу" автобуслари ва юк автомобиллари нафақат мамлакатимиз, балки дунё бозорига ҳам ўз ҳаридорини топмоқда. Хозирги пайтда ушбу корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Бу

нинг натижасида яқин вақт ичида бу ерда йилига 12 минг дона автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз.

Қадимдан тadbirkorлик ва ишбилармонлик фазилатлари билан ном қозонган Самарқанд заминидagina кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик соҳаси ҳам ривожланиб бормоқда. Ўтган йил давомида бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 66,4 фоизга етгани ҳам шундан далolat беради. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг сони 36 мингдан ортиб, вилоят бўйича ташкил этилган жами янги иш ўринларининг 83 фоизи, иш билан банд бўлган аҳолининг эса 75 фоизи айнан шу тармоқ ҳиссасига тўғри келаётганини ижобий баҳолаш зарур.

Самарқанд вилоятининг мамлакатимиз агросаноат мажмуида ўзига хос муҳим ўрин эгаллашгани барчамиз яқин биламиз. Хозирги кунда вилоятда 24 мингдан зиёд фермер ҳўжалиги самарали фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда бу борада ҳўқуқий, моддий ва молиявий жиҳатдан зарур шарт-шароитлар, тегишли инфратузилмалар яратиб берилгани бу соҳани кенг ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлмоқда. Ўтган йили воҳада етиштирилган пахтанинг юз фоизи, галланинг эса 80 фоизи фермер ҳўжаликлари томонидан тайёрлангани фермерлик ҳаракати чиндан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, унинг имкониятлари ва истиқболи катта эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Умуман олганда, 2007 йилда вилоят бўйича 255 минг тоннадан зиёд пахта, 690 минг тонна галла, 834 минг тонна сабзавот, 184 минг тонна мева, 296 минг тонна узум етиштирилганини бугун миннатдорлик билан тилга оламиз.

Биз учун устувор масала бўлиши ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар ҳақида гапирадиган бўлсак, 2007 йили Самарқанд вилоятда 900 минг квадрат метр уй-жой барпо этилиб, 72 километр табиий газ, 195 километр ичимлик суви тармоқлари ишга туширилганини қайд этиш ўринлидир, деди давлатимиз раҳбари. Ана шундай ишлар натижасида

хозирги кунда вилоятда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 88 фоиздан ошгани, албатта, бу борада салмоқли кадам қўйилганини кўрсатиб турибди.

Ўтган йили вилоятда 27 минг ўқувчи таълим оладиган 67 та мактаб, 15 минг 400 ўринли 12 та касб-ҳўнар коллежи, магистрал йўللар, замонавий меҳмонхоналар, янги-янги тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, савдо ва маиший объектлар фойдаланишга топширилгани нафақат Самарқанд шаҳри, балки бошқа шаҳар ва туманларнинг ҳам обод бўлиб, қўйғаси тобора очилиб боришига ҳисса қўшмоқда.

Шундан сўнг Ислам Каримов Самарқанднинг катта салоҳиятини, бу ерда ҳали-ҳануз очилмаган ва ишга солинмаган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, бугун вилоятда қўлга киритилган марралар билан кифояланиб бўлмаслигига эътиборни қаратди. Президентимиз бу фикрнинг исботи сифатида хозирги кунда Самарқанд вилояти республика эришган ўртача кўрсаткич ва ютуқлардан баъзи бир етакчи соҳаларда орқадagina қолётганини таъкидлади ва қуйидагиларни қайд этиб ўтди.

Агар ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 24 фоиз бўлган бўлса, Самарқандда бу кўрсаткич анча паст, яъни 10,5 фоизни ташкил этди. Айтиш кераки, бундай ҳолат бир вақтлар Тошкент шаҳридан кейин индустрия ривожига энг катта ҳисса қўшиб келган Самарқанд шаҳри ва умуман, вилоятнинг улкан имкониятлари даражасида эмас.

Ҳеч кимни қониқтирмайдиган бундай аҳолини ўзгартириш аввало бир замонавий саноат корхоналарини, янги индустрия иншоотларини қуриш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва илгор технология билан қуроллантиришни талаб қилади. Лекин, таҳлиллар шунини кўрсатадики, айнан мана шу муҳим йўналишда Самарқанд вилоятида оқсалик кузатишмоқда. Яъни, умумий капитал маблағларининг индустриянинг асосий фондларини қўпайтиришга ва умуман, қурилиш соҳасига йўналтирилган улуши республикаимиз миқёсида 23

фоиз бўлгани ҳолда, Самарқанд вилоятда бу кўрсаткич бугунги кунда 7 фоизни ташкил қилади, холос.

Кейинги пайтда вилоятдаги саноат корхоналарининг аксариятида ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайиб, уларнинг иқтисодий аҳоли оғирлашиб бораётгани барчамизни ташвишлантириши табиий, албатта, деди Ўртбошимиз. Шу борада юртимизда ҳолодильник ишлаб чиқаришга иختисослашган ягона корхона бўлмиш "Сино" акциядорлик жамиятидаги ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Катта салоҳиятга эга бу корхонада кўп йилдан буён ишлаб чиқариш имкониятларининг фақатгина 5-10 фоиз миқдоридagina маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, Самарқанд лифтсозлик заводидagina 2007 йили бор-йўғи 303 та лифт тайёрлангани, натижада корхона ночор молиявий аҳволга юз тутгани ҳам одамни афсуслантиради.

Айни пайтда вилоятда илгари хусусийлаштирилган бир қанча саноат корхоналаридаги аҳолини ҳам ижобий баҳолаш қийин. Масалан, 58 та ана шундай корхонадан 36 таси хозирги вақтда тўла қувват билан ишламаётгани, 22 таси эса мулқо фаолият кўрсатмаётгани жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда аввал ҳам қўп марта айтилган бир фикрни яна такрорлашга тўғри келади. Яъни, бугунги кунда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан ва замонавий технологияларни олиб келмасдан туриб, бундай корхоналарни оёққа турғизиб бўлмайди. Афсуски, бу масалалар ана шундай муносабат ҳали ҳам қўпчилик раҳбар ва мутасаддилар онгидagina шаклланиши йўқ. Бунинг ўтган йили мамлакатимиз бўйича ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг атиги 1,5 фоизи Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келгани, Қўшрабат, Нарпай, Оқдарё ва Булунгур туманларида бу борада ҳеч қандай иш қилинмагани ҳам исботлаб турибди. Энг ачинарлиси, Иштихон ва Нуробод туманларида 2005 йилдан буён чет эл инвестицияси иштирокида биронта ҳам корхона ташкил этилмаган.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

- «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази ва «Меҳр нури» хайрия жамғармаси томонидан юртимиз бўйлаб «Биз — бир жамоамиз!» шиори остида ўтказилаётган акция иштирокчилари Нукусга ташриф буюришди.
- Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетидagina Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда иқтидорли ёшларнинг фан ҳафталиги бошланди.
- Тошкентда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгашининг йнгилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгашнинг 2007 йилдаги фаолияти яқунлари кўриб чиқилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.
- Наманган шаҳридаги «Ёшлар» мажмуасида 19 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўғри бўлиб ўтди. «Ҳамкорбанк»нинг вилоят филиали ташаббуси билан ўтказилган мазкур тантанана вилоятдаги барча молия муассасалари бош қўшишди.
- «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини қатновчи янги Тошкент-Урганч-Санкт-Петербург-Урганч-Тошкент рейсини очди. «Боинг-757» самолёти Урганч халқаро аэропортидан янги ҳаво йўналиши бўйича илк парвозни амалга оширди.
- Жиззах шаҳридаги «Заргарлик» маҳалласи ҳудудидagina иш бошлаган мажмуа «Замона ёшлари» деб номланди. Эндиликда мажмуа қошида фаолият юритаётган бизнес марказида ёш тadbirkorларнинг ўқув маслаҳатлари олиши, Интернет тармоғи орқали зарур ахборотларни тўплаши, консалтинг хизматидан фойдаланиши ҳамда ўз маҳсулотларини намойиш қилиши учун барча имкониятлар яратилган.
- Термиз шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ ижодкорлар билан учрашув бўлиб ўтди.
- Вилоят марказидаги 20 гектарга яқин ер Навоий Давлат тоғ институти ихтиёрига топширилди. Бу ерда талабалар Ёшлар боғига асос солишди.
- Фузур тумани марказидаги ўйингоҳда «Ўзбекистонда яшовчи турли миллат аёллари ва ёшлари жиноятчилик, терроризм ва гийвандликка қарши» шиори остида «Шу азиз Ватан — барчамизники» деб номланган дўстлик форуми бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

- Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин «Единая Россия» партияси расислигига яқдиллик билан сайланди. Фақат Путин янги сайланган Президент Дмитрий Медведевнинг инаугурация маросимидан сўнг ушбу вазифани бажаришга киришишга розилик берди.
- Италияда бўлиб ўтган парламент сайловларининг яқуний натижалари расман эълон қилинди. Унга кўра, Сильвио Берлускони бошчилигидаги «Италия халқи овозлиги» партияси 47 фоиз овоз тўплади ва голиб чиқди. Шундай қилиб, қудратли медиамагнат Берлускони учинчи марта Италия Бош вазирлиги сифатида фаолият юритадиган бўлди.
- Икки томонлама муносабатлар ўрнатилганидан буён илк бор Россия Президенти В.Путин Ливияга ташриф буюрмоқда. Ливия етакчиси М.Қаддафий билан мулоқот чоғида терроризмга қарши кураш ва турли ҳудудлардаги можароларни ҳал этиш масалалари каби глобал муаммолар муҳокама қилинади.
- БМТ Хавфсизлик Кенгаши БМТ тинчликпарвар кучларининг Грузия-Абхазия можаролари ҳудудидagina бўлиши мuddатини чўзиш тўғрисидаги резолюцияни қўллаб-қувватлади.
- Исроил ва АҚШ ядро соҳасида ҳамкорлик қилиш ва хавфсизлик бўйича келишувга имзо чекдилар. Унга кўра, исроилликлар Американинг энг янги технологиялари ва ядро реакторлари хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги тadbirkorлари натижаларидан фойдаланишлари мумкин.
- Венесуэла парламенти хорижий компанияларнинг юқори даромадларидан солиқ олиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилди.
- Жаҳон савдо биржаларида бир баррел нефтнинг нархи 114 АҚШ долларига яқинлашиб қолди.
- Жанубий Кореянинг Чолла-Намдо ва Чолла-Пукто туманларидаги фермаларда Эйч-5-Эн 1 штамми парранда гриппи вируси мавжудлиги аниқланди. Маълумотларга кўра вирус 30 дан зиёд паррандачилик ҳўжалигидagina қайд этилган. Парранда гриппи вируси тарқалган жойларда карантин эълон қилинди.
- Куба ҳукумати илк бор мамлакатдаги ўртаҳол аҳолига уяли алоқа телефонидан фойдаланиш ҳўқуқини берди. Таъкидлаш жоизки, шу кунгача мобил телефондан фақат хорижликлар ва йирик давлат арбобларини фойдаланарди, холос.
- Колумбияда энг даҳшатли табиий офатлардан саналмиш «Невадо-дел-Уила» номли вулқон отила бошлади. Шу муносабат билан ҳукумат мамлакатда фавулодда ҳолат эълон қилди. Вулқон отилиши натижасида Паэс ва Симбола дарёлари қирғоқидан тошиб чиқди, кўприклар вайрон бўлди ва йўллارнинг бир қисми бузилди. Маъмулар 3,5 мингга яқин кишини хавфсиз жойларга кўчиришди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Мембросозлик соҳасида мамлакатимизда етакчилардан саналган «Файз» холдинг компаниясида замонавий техника ва илгор технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда рақобатбардош мебеллар ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: цехдаги иш жараёни.

Козим Ҳаммасов олган сурат

Қисқа сатрларда

- «КАМОЛОТ» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Келажак қадам» лойиҳаси доирасида бир гуруҳ «Камолот» фаоллари Республика Олий Мажлиси Сенатига экскурсия уюштиришди ва сенаторлар иштирокида ўтказилган учрашув барчада катта таассурот қолдирди.
- БУГУНДАН «Ўзэкспомарказ»да бошланган «Тўқимачилик усуллари» — «Текстиль экспo Ўзбекистон-2008» кўргазмасида 17 та компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.
- БУГУН Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлимида «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида «Эркин шахс маънавияти» мавзусида уюштирилган семинар-тренинг Ёшлар йилига бағишланди.
- БУГУН Юнусобод туманидаги 544-мактабгача таълим муассасасида Наврўзи олам муносабати билан уюштирилган тadbirkor тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирок этишди.
- ШАҲРИМИЗДА Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг IX пленуми бўлиб ўтди.
- ТОШКЕНТ Давлат ирригация ва мелiorация институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ёшлар йили» Давлат дастурининг моҳиятига бағишланди.

2008 йил — Ёшлар йили

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

ИНСОН ОМИЛИ, МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ, ЭНГ АВВАЛО НАВҚИРОН АВЛОДИНИ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ РЎБГА ЧИҚАРИШ УЧУН ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ ЖАМИАТ БАРҚАРОР РАВНАҚ ТОПИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТИДИР.

Айни шу сабабли аҳолисининг аксарияти ёшлар бўлган мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан эътиборан ёшларга оид сиёсатни амалга оширишга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Энг илгор билимларга, илгор технологиялар соҳасида зўр кўника ва маҳоратга, айни чоғда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз Ватанининг чинакам ватанпарварлари бўлиши кадрларнинг янги авлодини тарбиялашнинг аҳамияти ҳақида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов кўп бора таъкидлаганлиги, Ўзбекистонда бу йил Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Бу борадаги фаолият дастурларида ёшларга

оид сиёсатни амалга оширишда ҳамда миллий қонунчилигимизга халқаро норма ва стандартларни сингдиришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролини ошириш муҳим йўналиш деб эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташиқ сиёсат масалалари қўмитаси БМТ Бола-лар жамғармаси (ЮНИСЕФ) минтақавий идораси билан биргаликда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли доимий комиссиялари раислари учун ташкил этган семинар-тренинг худди шу масалаларга бағишланди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Яқинда ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ФРАНЦИЯДА БЎЛИБ ҚАЙТДИ. ТАШИРФДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ТУЛУЗА ШАҲРИДАГИ ФРАНЦИЯ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ МИЛЛИЙ МАКТАБИ (ENAC) БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЎРНАТИШ ЭДИ. АЙТИШ ЖОИЗКИ, ТУЛУЗА ҲАҚЛИ РАВИШДА ЕВРОПАНИНГ АВИАЦИЯ САНОАТИ МАРКАЗИ ҲИСОБЛАНАДИ. БИНОБАРИН, ЖАҲОННИНГ ҚАТОР ЕТАКЧИ АВИАКОНЦЕРНЛАРИ, ЖУМЛАДАН «AIRBUS» КОМПАНИЯСИНING БОШ ҚАРОРГОҲИ ВА АСОСИЙ ЙИГИШ ЦЕХЛАРИ ШУ ЕРДА ЖОЙЛАШГАН.

Франция фуқаро авиацияси миллий мактабига 1948 йилда асос солинган. У мазкур соҳа бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашга иختисослашган дунёдаги етакчи олий ўқув юртларидан биридир. Мактаб ўзининг бой ўқув ва илмий-тадқиқот базасига эга бўлиб, у ерда тингловчиларга таълим бериш билан бир қаторда, фуқаро авиацияси, парвоз хавфсизлигини таъминлаш, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, радиолокация ва ҳаво ҳаракатини бошқариш, ҳаво транспортидан тижорат мақсадларида фойдаланиш, авиатранспорт воситаларини ишлаб чиқариш менежменти каби йўналишлар бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари амалга оширилади.

Ҳар йили ENACга 1600 нафарга яқин талаба қабул қилинади. Олий ўқув юрти ҳузурда ҳаво транспорти учун кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-бетда).

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Янгица фикрлаш ва ташаббуснинг етишмаслиги туфайли вилоятдаги "Каттакўрғон ёғ-мой", "8 март", "Нафис" акциядорлик жамиятлари, "УзБАТ" корхонасининг Ургут филиали, "Амин инвест интернейшнл" кўшма корхоналари ҳам оғир аҳволга тушиб қолган.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида гапирганда, вилоятдаги кўпчилик корхоналарнинг асбоб-ускуналари ва дастгоҳлари ниҳоятда эскириб қолганини қайд этиш лозим. Мисол учун, "Гранит" ва "Каттакўрғон ёғ-мой" корхоналарида асосий ишлаб чиқариш воситаларининг эскириш даражаси 80 фоизни ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу соҳада вужудга келган бундай салбий аҳволни тубдан ўзгартириш мақсадида бугунги кунда аниқ режа ва дастурлар ишлаб чиқариётгани ҳақида тўхталиб, жумладан, куйидаги лўйхаларга эътиборни қаратди.

Аввало, Хитойнинг "Хаер" компанияси билан ҳамкорликда "Сино" корхонасини қайта реконструкция қилиш ва шу асосда бу ерда йилгича ўртача 330 минг дона холодильник ва кондиционер ишлаб чиқаришга эришиш лўйхаси устида иш олиб борилаётганини айтиш зарур. Шунингдек, Самарқанд лифтозлик заводини ҳам модернизация қилиш ҳисобидан бу ерда кейинги икки йилда 2,5 минг дона юк ва одам ташийдиган замонавий лифт ишлаб чиқариш устида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Юқорида тилга олинган заводлар ва шулар қаторида бошқа йирик корхоналарни реконструкция қилиш, бунинг учун чет мамлакатлардан тегишли сармога, маблағ ва технологияларни олиб келиш масаласида вилоят ҳокимилиги, умуман, шу ишга мутасадди бўлган раҳбарларнинг ҳиссаси сезилмаётгани, улар кўп ҳолларда фақат кузатувчи бўлиб ўтиргани сессияда афсус билан қайд этилди.

Бугунги кунда жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлариغا эҳтиёж кескин ошиб бораётганидан, ўйлайманки, барчамиз яхши хабардоримиз, деди Ислоҳ Каримов ўз фикрини давом эттириб. Шундай ҳолатни инобатга олиб, юртимиздаги кенг имкониятлардан фойдаланиб, экспорт ҳажмини ошириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан тегишли чора-тадбирлар кўриломоқда. Жумладан, вилоятдаги мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган 12 та заводни модернизация қилиш режаси ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, Тайлоқ, Самарқанд, Пайарик, Булунгур ва Оқдар туманларидаги агрофирмалар ва фермер хўжаликларига 15 та мининг-технологияни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Натижада мазкур туманларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 32 фоиздан 43,5 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Лекин Самарқанд воҳасида мавжуд бўлган қайта ишлаш корхоналари фаолияти баҳо берад эканмиз, бу борада ҳам жиддий муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, Пахтачи ва Каттакўрғон туманларида ҳозиргача мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган биронта корхона ташкил этилмагани, яхши ният билан тузилган агрофирмаларнинг кўпчилиги самарасиз фаолият кўрсатаётгани, албатта, ҳеч кимни қониқтирмайди.

Сессияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида вилоят эришган ижобий натижалар билан бирга, бу борада ўз ечимини топмасдан келаётган муаммолар юзасидан ҳам зарур фикр ва хулосалар баён қилинди.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд кичик бизнес субъектларининг 71 фоизи кишлоқ хўжалиги соҳасида, қарийб 10 фоизи савдо ва умумий овқатланиш йўналишида фаолият кўрсатмоқда. Лекин айни пайтда замонавий тараққиётни белгилаб берадиган sanoat, қурилиш, транспорт ва алоқа, ахборот хизматлари, кўчмас мулк операциялари каби тармоқлар бўйича уларнинг улushi паст даражада қолмоқда.

Вилоят иқтисодиётидаги бундай камчилик ва нуқсонлар, табиийки, молиявий аҳволга ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Ҳозирги вақтда

худуддаги 16 та шаҳар ва тумандан 11 таси дотацияда бўлиб, айниқса, Қўшрабат, Булунгур, Пайарик, Тайлоқ, Иштихон, Каттакўрғон ва Пастдарғом туманларида дотация даражаси юқори бўлиб турибди.

Президентимиз ўз нутқида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш борасида долзарб бўлиб турган вазифалар ҳақида атрофлича тўхталиб, вилоят ҳокимидан тортиб мелиорация соҳасида ишлаётган барча мутахассисларга бир тану бир жон бўлиб, ишни тўғри ташкил этиши, махсус пудратчи ташкилотлар тузиш, ажратилган молиявий ресурслардан оқилонга ва самарали, мақсадли фойдаланишга эришиш каби масалалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини уқтириб ўтди.

Бундай мақсадларга эришиш вилоят ва туман раҳбарларидан, соҳа мутахассисларидан ташкилотчилик ва қатъиятлик, шижоат ва сафарбарликни талаб қилади, деди Ислоҳ Каримов. Бу ҳақда гапирганда, такрор ва такрор айтишга тўғри келади: бизнинг мақсадимиз — ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳисобидан нафақат далада ишлаётган деҳқон ва фермерларнинг фаровонлигини юксалтириш, балки бутун халқимизнинг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, мамлакатимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминлаш ва экспортга йўналтирилган товарлар ҳисобидан валюта даромадларимизни кўпайтиришдан иборат.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган барча дастурлар, тадбир ва ҳаракатлар авваламбор, аҳолининг оғирини енгил қилиш, унинг фаровонлигини ошириш, янги босқичга кўтаришга қаратилган, деди Юртбошимиз. Агар шу кўз билан Самарқанд воҳасида ижтимоий соҳада мавжуд бўлган аҳволни баҳолайдиган бўлсак, бу йўналишда ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Биргина коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида дебиторлик қарзларини камайтириш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмагани оқибатида уларнинг миқдори ҳозирги кунда 180 миллиард сўмдан ошиб кетгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Вилоятдаги 200 та уй-жой мулкдорлари ширкати 1 минг 340 та кўп қаватли уйга хизмат қилмоқда. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу ширкатларнинг аксарияти номигагина тузиб қўйилган. Шунинг натижасида 1991 йилгача қурилган 125 та кўп қаватли уйни капитал таъмирлаш ишлари 2007 йилда 61 фоизга бажарилган бўлса, жорий йил режасига қиритилган 125 та уйда бу ишлар ханузгача бошланмаган. Яъни, ана шу уйларда яшайдиган юзлаб одамларни кўпдан буён қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ишлар ўлда-жўлда қолиб келмоқда.

Биз учун нафақат ижтимоий, айни пайтда, сиёсий аҳамиятга эга бўлган аҳолини иш билан таъминлаш масаласини оладиган бўлсак, вилоятда бу соҳада ҳам қатор камчиликлар борлигини таъкидлаш зарур. 2007 йил якунларига кўра, вилоятда ишсизлар сони 64 минг кишини ташкил этган бўлса-да, бандлик хизматлари идораларидан расман рўйхатдан ўтганлар сони озчиликни, яъни 1 минг 652 кишини ташкил қилади.

Давлатимиз раҳбари доимий, барқарор иш ўринлари яратиш масаласи биринчи галда ҳокимликлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг кундалик эътибори ва назоратида бўлиши шартлигини таъкидлади.

Бугун Самарқанд вилоятида мавжуд бўлган аҳволни атрофлича таҳлил қилар эканмиз, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, авваламбор зиммасига юксак вазифа, шу билан бирга, ўта катта масъулият юклаган вилоят раҳбари фаолиятига танқидий баҳо беришимиз ҳар томонлама ўринли бўлади, деди Юртбошимиз.

Агар шу нуктаи назардан қараб, вилоят раҳбари вазифасини бажарувчи А.Баҳромовнинг иш фаолиятини кўздан кечирадиган бўлсак, минг афсуски, уни ижобий баҳолаш қийин.

Маълумки, бу шахс 2005 йилнинг охирида Самарқанд вилояти

ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинланган эди. Уни бу вазифага тайинлашда мутахассислиги, олдинги иш фаолияти, жумладан, Вазирлар Маҳкамасида анча вақт масъул лавозимларда хизмат қилгани, 2003-2005 йилларда эса "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасида раҳбар бўлиб ишлагани ҳисобга олинган эди. А.Баҳромовга бу вазифани топширар эканмиз, у вилоятнинг собиқ ҳокими Мамаризо Нурмуродовнинг иш фаолияти самарасини оширишга, айниқса, Самарқандда катта салоҳиятга эга бўлган енгил sanoat тармоғини янги босқичга кўтариш, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган sanoat корхоналарини оёққа турғизишга ҳисса қўшади, умуман, вилоят иқтисодиёти ривожига янги туртки беради, деб умид қилган эдик, деди Президент.

Охириги пайтда М.Нурмуродовнинг саломатлиги ёмонлашгани, вилоятнинг биринчи раҳбари вазифасини бажаришга ҳар томонлама куч-қуввати етмаганини инобатга олиб, Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2006 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сессиясида уни ўз вазифасидан озод қилишга тўғри келган эди. Айни пайтда А.Баҳромов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи этиб қўйилган эди. Нима учун айнан вазифани вақтинчалик бажарувчи, деб қарор қабул қилинди, деган масала ҳақида тўхталар экан, Юртбошимиз қуйидаги фикрларни алоҳида уқтириб ўтди.

Чунки Самарқанддек бой ва кўхна тарихга, улкан салоҳиятга, авваламбор, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган йирик бир вилоятга раҳбарлик қилиш нақадар мураккаб ва масъулиятли эканини барчамиз яхши тушунар эдик. Бошқача айтганда, бу ўта муҳим вазифа раҳбар олдига қандай юксак талаблар қўйишдан келиб чиққан ҳолда, бу шахс ўз устида ишлаб, вилоят фаоллари ва депутатларига, мутахассисларга сўян-ти-ти, билмаганини ўрганиб, шу асосда тажриба орттириб, воҳанинг муаммоларини ечиш, вилоятнинг обрўйига обрў қўшишда бутун борлигини бериб ишлайди, деб ўйлаган ва синов тариқасида уни шу лавозимга тайинлаган эдик.

Аммо, бугун афсус билан айтиш керакки, ана шу лавозимга ўтиши, қўлида катта ваколат пайдо бўлиши, олдида янги имкониятлар очилиши билан бу одамнинг боши айланиб, оёғи ердан узилиб, бошқаларнинг, аввало, ўз муовинлари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, жамоатчиликнинг фикри билан ҳисоблашмасдан, манманлик ва ўзбошимчиликка берилиб кетгани, бир сўз билан айтганда, ўзига нисбатан талабчанлик ва назоратни йўқотгани намоян бўла бошлади. Айниқса, унинг иш услубида бошқаларни менсимаслик, ўзини ҳаммадан устун қўйиш, қўполлик ҳолатлари кучайиб бorganи кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас.

Энг номаъқул томони шуки, унинг хатти-ҳаракатларида эл-юрт ишонч билдирган раҳбарга мутлақо тўғри келмайдиган аломатлар, яъни одоб ва ахлоқ нуқтани назаридан кўпчиликка ўрнатилган ўрнига, бу талаблардан йироқ бўлиб юриш, маънавий чегарадан чиқиш ҳеч чидаб бўлмайдиган даражага етиб бorganини кўп мисоллар тасдиқлайди. Нафс балосига гирифтор бўлиб, қинғир-қийшиқ, жиний ишларга берилиб кетган шахслар ва тўдалар билан Баҳромовнинг алоқалари қалинлашиб кетгани, кўпуровчи ишлар билан шуғулланувчи шахсларга унинг оталиқ қилгани кўп нарсани, авваламбор, унинг ҳақиқий ички дунёсини ифодалайди.

Албатта, вилоятнинг биринчи раҳбари томонидан йўл қўйилган ўзбошимчилик, бундай хунук ҳолатлар ҳақида бугун кўпгина маълумотларни келтириш мумкин ва ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бўйича вақти-соати билан қонун асосида баҳо берилди ва жамоатчиликка маълум қилинди.

Табиийки, вилоят раҳбарининг ана шундай хатти-ҳаракатлари, масъулият ва жавобгарликни бутунлай нутиб қўйгани бу худуддаги ишларнинг аҳолига, маънавий мухитга, энг ёмони, ҳокимиятнинг обрў-эътиборига, одам-

ларнинг адолатга бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳаётнинг ўзи шуни тасдиқлаб берадики, юқори погоналарда тартиб-интизом, талабчанлик бўшашиб, ўзи-ўларчиликка йўл очиб берилса, жойларда ўз вазифасини суиистеъмол қилишлар, порахўрлик ва бузғунчиликка йўл очилади. Шунинг учун ҳам фақат кейинги пайтнинг ўзида вилоятда 10 нафар раҳбарни алмаштиришга тўғри келди.

Бу ҳақда гапирганда, ўз иш фаолиятида жиддий нуқсонларга йўл қўйгани учун Иштихон тумани ҳокими Х.Шукурлиевнинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилганини, Каттакўрғон шаҳрининг собиқ ҳокими Д.Маматқулов эса ўз мансаб вазифасини суиистеъмол қилиб, давлат мулки бўлган қатор объектларни қонунга хилоф тарзда хусусий фирмаларга бериб юборгани, 300 миллион сўм миқдоридagi бюджет маблағининг мақсадсиз сарфланишига йўл қўйгани учун суд қўми билан жиний жавобгарликка тортилганини айтиш лозим.

Айтиш керакки, биз бундай ҳолатлар билан ҳеч қачон мураса қилмаганмиз ва бундан кейин ҳам мураса қилмаймиз. Бу ҳақиқатни ҳамма кулоғига қўргошиндек қуйиб олиши керак. Қонун барча учун баробар. Ўзбекистонда доимо тартиб бўлган, бундан кейин ҳам тартиб бўлади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А.Баҳромов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинди. Президент Ислоҳ Каримов тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Ҳамма Барноев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Самарқанд ахли ҳамиша олижаноб мақсадлар билан яшашига ўрганган, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, ғурур билан яшаб келаётган халқ. Ўзининг ҳалол меҳнати, азму шижоати, изланувчанлиги билан ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгиб, улкан марраларни эгаллашга қодир халқ. Ишончим комилки, сизлар, бутун воҳа меҳнатқашлари вилоятнинг янги раҳбари атрофида бирлашиб, белни маҳкам боғлаб, мавжуд муаммоларни тез орада бартараф этиб, Самарқанднинг обрў-эътиборини янада юксалтиришга албатта эришасизлар. Бунинг учун сизларда ҳамма нарса — билим ва тажриба ҳам, ташаббус ва изланиш, қатъият ва интилиш ҳам етарли, деди пиروвартида давлатимиз раҳбари.

Сессияда сўзга чиққан Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ректори Темур Ширинов, вилоят «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Матилба Турдиева, Каттакўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Қамариддин Аҳмедов, Жомбой туманидаги «Фармасам Ко ЛТД» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Камолдин Маҳмудов ва бошқалар Президентимиз нутқида ҳар томонлама таҳлил этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, барча соҳаларда ишни замон талаблари асосида ташкил қилиш, ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш суръатларини янги босқичга кўтариш, ана шу эзгу мақсад йўлида ҳамжихатлик билан фидокорона меҳнат қилиш энг муҳим ва долзарб вазифа эканини таъкидлади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Самарқанд вилоятининг Пайарик туманида жойлашган Имом Бухорий мажмуиға ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари бу ерда Имом Бухорий номидаги ҳадис илми маркази ўқитувчи ва талабалари билан суҳбатлашди. Ушбу марказ фаолиятини такомиллаштириш, ўқув ва тарбия жараёнини чуқурлаштириш, талабалар учун ўқув ва яшаш шароитларини янада яхшилаш юзасидан тавсиялар берди.

(ЎЗА)

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинарда қайд этиб ўтилганидек, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, шунингдек ҳар бир йигит-қиз ўзигани тўла намоян этиши учун йуналишларни яратиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ёшларга оид сиёсатнинг устувор йўналишлари, шунингдек «Ёшлар йили» Давлат дастурининг давлат буюшқарув органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилиши жараёнини иштирокчилар аниқ мисоллар асосида муҳокама этдилар. Мамлакатимизнинг маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари депутатлари вожага етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ўсиб келаётган авлодни билимли қилиш масалаларида жаҳон тажрибаси билан танишдилар, шунингдек ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати самараларидан воқиф бўлдилар. Бунда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ёшларнинг тарбияси ва таълими учун киритилган инвестициялар стратегик аҳамиятга эга, негаки келгусида у яхши самара беради: бинбарин, соғлом ва маърифатли авлод оилагагина эмас, балки жамиятга ҳам фойда келтиради.

Семинар-тренинг асосида ёшлар камолотини қонунчилик йўли билан янада самаралироқ таъминлаш масалалари, шу жумладан халқаро ҳуқуқ нормаларини инобатга олган ҳолда ювенал адлияси янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди. Ёшларга оид сиёсатни мамлакатимиз минтақаларида самарали тарзда рўёбга чиқариш ишларига алоҳида эътибор берилди.

Тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг оила, хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўйича доимий комиссиялари, шунингдек БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон делегациясининг Тулузга ташрифи доирасида ENAC раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик мутахассислар мактабининг қатор илмий-тадқиқот лабораториялари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Уларда парвозни бошқариш бўйича мутахассислар ўз малакасини ошириши билан бир қаторда, парвозни сунъий йўлда ёрдамида бошқариш технологиялари тадқиқ қилинади.

Музокаралар чоғида томонлар таълим соҳасидаги ҳамкорликни жаддалаштириш, талаба ва профессор-ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро алмашинуви йўлга қўйиш, авиация соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, шунингдек, илмий-ўқув лўйхаларни биргаликда амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашди. Учрашувлар якуни бўйича Тошкент Давлат авиация институти билан ENAC ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Мазкур ҳужжат икки таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб қилинади.

ENACнинг халқаро муносабатлар ва тижорат бўлими раҳбари Г.Лагарри эришилган ҳужжатнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, Тошкент Давлат авиация институти Марказий Осиё минтақасидagi таълим муассасалари орасида ENAC билан ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзолаган илк олий ўқув юрти бўлганини қайд этиди.

— Биз Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан шериклик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билан қараямиз. Юртингизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига муҳим эътибор қаратилаётганини биз яхши биламиз, — деди Г. Лагарри.

Мурдон ЁҚУБОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири.
Париж.

САЛОМАТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАХАРЧАСИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИДА «САЛОМАТЛИКНИ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ!» ШИОРИ ОСТИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, Республика Саломатлик институти Тошкент шаҳар филиали томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда тегишли ташкилотлар раҳбар-ҳодимлари ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди.

— Бугунги тадбирни ўтказишдан мақсад кенг жамоатчилик, хусусан ёшлар эътиборини иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтиришга қаратиш, соғлом турмуш тарзи учун қилинаётган ҳаракатларини рағбатлантиришдир,— деди «Экосан» халқаро ташкилотининг Тошкент шаҳар филиали директори Зарифжон Кўзиев.— Иқлим ўзгариши давримизнинг энг жиддий муаммосига айланиб улгурди.

Эндиги вазирамиз, ҳар бир тадбир, ҳар бир овоз орқали иқлимни барқарорлаштиришга қаратилган аҳамиятли ўзгаришларга бўлган тарафдорлик ва шижоатни кўпайтиришдан иборат.

Ёшлар тадбирда ўз иштироклари билан «Саломатликни иқлим ўзгариши таъсиридан ҳимоя қиламиз!» деган шioriни олға сурди. Шунингдек, бизни ўраб турган табиат, шу заминни асраб-авайлашга тайёр эканликларини билдиришди.

Тадбирда «Экосан» фаоллари, бугунги кунда дахлдорлик ҳисси билан яшаётган ёшларнинг бир гуруҳига беш юз минг сўмлик есдалик совғалар топширилди.

Учрашув сўнггида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази фаоллари томонидан тадбир иштирокчилари учун семинар-тренинг ўтказилди. Унда «Саломатлик ва саломатликка таъсир қилувчи омиллар» мавзусида қизиқарли савол-жавоб викторинаси ҳам ўтказилди.

Рахона ТОШПЎЛОВА,
«Туркистон-пресс»

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ТОШКЕНТДА "ЎЗБЕКНЕФТАЗ" МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАРМОҚ САНОАТ ЯРМАРКАСИ ҲАМ ИШНИ БОШЛАДИ. ЯРМАРКАДА "ЎЗБЕКНЕФТАЗ" КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИГА КИРUVЧИ БАРЧА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯЛАРИ ИШТИРОК ЭТМОҚДА. УЛАР ТОМОНИДАН НАМОЙИШ ЭТИЛАётган ТАЙЁР МАЎСУЛОТЛАР НАМУНАЛАРИ, БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ЮҚОРИ ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТГА ЭГА ҲАМДА ЭКСПОРТБОПЛИГИ БИЛАН ЭЪТИБОРНИ ТОРТАДИ.

эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда машинасозлик соҳаси учун ҳам буюмлар ва бутловчи қисмлар тайёрлайди. Айни вақтда Андижон машинасозлик заводи, "Ўзметкомбинат" акцијадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, "ЎзЭксайд" қўшма корхонаси, "Наманганмаш" очик акцијадорлик жамияти, Тошкент асбобсозлик заводи, "Гидравлика" очик акцијадорлик жамияти ва бошқа корхоналарда буюртмаларини жойлаштилади. "Ўзбекнефтгаз"нинг бошқа акцијадорлик компаниялари ҳам турли соноат корхоналари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА муҳбири

АРХИВ — ТАРИХ КЎЗГУСИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ МЕРОСНИ ТИКЛАШ, АСРАБ-АВАЙЛАШ, ВАТАНИМИЗ ТАРИХИНИ АСЛ ҲОЛИГА ЎРГАНИШДА АРХИВ ҲУҶЖАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛИНИШГА АЛОХИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. БУНДА 1999 ЙИЛ 15 АПРЕЛЬ КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «АРХИВЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

ЯНГИЛИК ЯРАТИШ МАНБАЛАРИ

ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГ БОРАСИДА КАЛИТ СИФАТИДА МОСЛАШИШ ВА ЧЕТ ЭЛ БОЗОРЛАРИГА ЎТИШДА АТРОФ-МУҲИТ ФАРҚЛАРИГА ЭЪТИБОР БЕРИШ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ. БУНДАЙ ҲУҶЖАТЛАРДА ТОВАР БАЁНИ, МАҚСАДЛИ БОЗОР ВА РАҚОБАТЧИЛАР ТАВСИФИ МАВЖУД. БОЗОР ЎЛЧОВИ, ТОВАРЛАР НАРХИ, ЯНГИЛИК ЯРАТИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАРИНИНГ ДАВОМИЙЛИКЛАРИ ВА НАРХЛАРИ, УНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ НАРХЛАРИ ВА ДАРОМАД НОРМАЛАРИГА НИСБАТАН КЎПЛАБ ТАХМИНЛАР ҚИЛИНАДИ.

С.АСРОҲОНОВА, Тошкент Молия институти талабаси



2008 — Ёшлар йили

ҲАМШИРАЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДАН

ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЁШЛАР ЙИЛИДА БАРЧА ЖАСАЛХОНАДА БЎЛГАН СИНГАРИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯСИДАГИ МАРКАЗИЙ КЛИНИК КАСАЛХОНАДА ҲАМ КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. КУНИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН «ЭНГ ЯХШИ ҲАМШИРА—2008» КЎРИК-ТАНЛОВИ ҲАМ АНА ШУ ДАСТУРДАН ЖОЙ ОЛГАН.

Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

РЕСПУБЛИКАМИЗДА РИВОЖЛАНИШДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ, СОЎЛИГИНИ ТИКЛАШ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ, КАСБ-ХУНАРГА ЎРГАТИШ ВА ЖАМИЯТНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДА ҚАРАЛМОҚДА. ЗЕРО, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАЪБИРИ БИЛАН АЙТГАНДА, «ҲАР ҚАНДАЙ ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЯТИ ШУ ЖАМИЯТДА ЯШОВЧИ НОГИРОНЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОРИ БИЛАН ҲАМ БЕЛГИЛАНАДИ».

Маълумотларга кўра республикада 18 ёшга бўлган болалар ва ўсмирлар орасида 132 миң нафарида ногиронликнинг турли шакллари аниқланган. Бу — шундай болаларга гамхўрлик кўрсатиш масаласи қанчалик долзарб эканлигини кўрсатади. Мустақиллик йилларида имконияти чекланган, ёрдамга муҳтож шахсларга муносабат сезиларли даражада ўзгарди. Бу қабул қилинган катор қонун, қарор ва Фармонларда ўз аксини топмақда. Республиканинг «Соғлом авлод учун» давлат дастури қабул қилинганлиги, «Экосан», «Меҳр нури», «Сен ёлғиз эмассан» каби жамғармаларнинг ташкил этилганлигини таъкидлаш жоиз.

Таълим ЯНГИЧА ЙЎНАЛИШЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Ражага етказиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Сўнгги вақтларда чет эл мамлакатларида кенг тарқалаётган инклюзив ва интеграцион таълим тизими республикада ҳам жорий этилмоқда. Хўш, бундай таълимнинг маъмул-муҳияти нимадан иборат? Инклюзив таълим тизимида барча жараён эҳтиёжли боланинг имкониятлари, нуқсон ва ўзлаштириш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади. Ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган бола соғлом тенгдошлари билан биргаликда умумтаълим мактаби шароитида ўқитилади. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, жамиятнинг тулақонли аъзосига айлантириш. 2007-2008 йилларда Ўзбекистонда

бир неча мактаб-интернатлар ўзларига яқин жойлашган умумтаълим мактаблари билан шартномалар тузган. Тошкент шаҳрида жойлашган 101-кар болалар мактаб-интернатига ҳам инклюзив таълим йўлга қўйилган бўлиб, унинг ўқувчилари меҳнат, таъсирли санъат, жисмоний тарбия каби фанларни соғлом тенгдошлари билан умумтаълим мактабларида ўқийдилар. Қолган фанлар эса интернатда ўтилади. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида интеграцион таълим масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. У ривожланишда нуқсонли бўлган, ёрдамга муҳтож болаларга соғлом тенгдошлари билан биргаликда таълим-тарбия беришнинг ўзинга хос шаклидир. Юқорида тилга олинганидан фарқи шундаки, мактаб-интернат ўқувчилари фақатгина баъзи фанларнинггина умумтаълим мактабда ўқишига, интеграцион таълимда ўқувчи бутунлай ўша жойда билим ва тарбия олади. Интеграцион таълим ижтимоий-педагогик шакл сифатида бир неча асрлик тарихга эга. Жисмоний ривожланишдан орқада қолган болаларни соғлом болалар билан бирга ўқитиш ва тарбиялаш гоёси уларнинг таълим олиш ҳуқуқи тан олинган вақтдан бошланган. Девяри 30 йиллик хориж таърибаси асосида таҳлил қилингандан кейин таълим учун зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилиши зарур. Ҳаётини, инклюзив ва интеграцион таълим ҳаётини зарурат сифатида Ўзбекистонда ҳам ривож топади. Дилноза СУЛТОНОВА, Низомий номидаги ТДПУ дефектология факультети талабаси

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИДА «АСРЛАР САДОСИ» АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИ ОЛДИНДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТҚАДИ.

Кенг қамровли ушбу лойиҳа ҳалқимизнинг анъана ва удумлари, амалий санъати ва миллий ошонаси, ҳалқ оғзаки ижоди, жумладан, фольклор музика, кўшиқ, ракс, эпос, ўйин ва хунармандчилик каби йўналишларнинг хилма-хил эканлигини намоён этади. Мазкур фестивал ҳар йили мамлакатимизнинг турли маданий ва тарихий марказларида табиат кўйида ҳалқ сайли тарзида ташкил этилиши кўзда тутилган. Илк бора ушбу фестивал жорий йилнинг 3-4 май кунлари

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА АНЪАНАЛАР ФЕСТИВАЛИ

қилди, дипломатик корпус вакиллари, Тошкентдаги ҳалқаро ташкилот вакиллари катта қизиқиш билдирмоқда. Япония, Франция, Хитой, Болгария, Россиялик меҳмонларнинг иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, дастур доирасида Миллий либослар фестивали ўтказилиб, унда ёш дизайнерлар миллий матола ва дизайннинг анъанавий услубларидан фойдаланган ҳолда «Этно» русумидаги тўпламлари билан катнашиб, унда 77 та либосдан иборат 10 та тўплам намойиш этилади. Анъанавий санъат кўрғазми-ярмаркаси эса кулолчилик, мисгарлик, каштчилик, зардўзлик, миниатюра, ёғоч ўймакорлиги, миллий кўгирчоқлар ясаш сингари йўналишларнинг етакчи усталарини жамлайди. «Асрлар садоси» лойиҳаси ҳалқимизнинг асрларга татигулик анъаналари ҳамда кўп қиррали санъати билан ақиндан танишиш имконини беради, десак муволажа бўлмайд.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

ЎЗА муҳбири Назоқат УСМОНОВА ёзиб олди



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
АБУ АБДУЛЛО РУДАКИЙ ХИКМАТЛАР

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Хар қанча бўлса ҳам оламда аччик,
Аччикроқдир доно дўстан айрилиқ.

Одамдан юқори тураркан олам,
Билим ошироққа муҳтождир одам.

Ақлли кишилар ҳар қайси тилда,
Ҳар қандай замонда, ҳар қайси хилда.

Билимларни тўплаб, ҳурмат этдилар
Тошларга нақш этиб, битиб кетдилар:

“Одамлар қалбининг чароғи билим,
Ёмондан сақланиш яроғи билим”.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ ХИКМАТЛАР

Илмга киришган киши тирикчилик ма-
саласидан хотиржам бўлиши керак.

Дарахтнинг камолга етгани меваси би-
лан бўлганидек, бахт-саодатнинг мукам-
мал бўлиши яхши хулқлар билан бўлади.

Кимки ўзини ўз даражасидан юқори
кўтаргудай бўлса, ундай кишига камолот
йўли тўсилиб қолади.

Инсон яхши тарбия кўрмалган ва турмуш-
да тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нар-
саларни назарга илмайди ва улардан жир-
канади.

Одамларга нисбатан уларни бирлашти-
рувчи бошланғич асос инсонийликдир, шу-
нинг учун ҳам одамлар инсоният турку-
мига кирганликлари тўғрисида ўзаро тинч-
ликда яшашмоқлари лозим.

Кишилар жисмоний ва туғма қобилият,
куч-қувватда бир-бирларидан ортиқ-кам
бўладилар.

Ёмон ишлардан ўзини эҳтиёт қилиб юр-
ганларнигина билимдон дейиш мумкин.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирув-
чи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий
комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқ-
да. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик
субъектларини текширишни янада қисқарттириш ва унинг ти-
зимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фар-
мони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат па-
латаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши
ташкил этилган.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томони-
дан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида
шўҳлансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги те-
лефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63,
140-32-18.

ҲУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилётган
газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойда-
ланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар
бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кун-
даги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари
учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг
бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой
— коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўли-
да сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган
электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бў-
шқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз
танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки
муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассалари-
да ва почта бўлимларида амалга оширилади.

Фақат умумий сая-ҳаракатларни бирлаштирган
ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фа-
олиятининг самарадорлиги эришишимиз мумкин.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«РОУТАХТ АУКСИОН»

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

*Сизларни ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган
танлов савдоларига таклиф этади.*

*Танлов савдоларига Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги Ҳудудий коммунал
фойдаланиш бирлашмаси балансидаги Тошкент шаҳри, Ҳамза
тумани, Турсунхўжаев кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган қуйидаги бўш
турган маъмурий бино қўйилади.*



Бошланғич нархи — 235 288,58 АҚШ доллари.

*Ушбу бино исталган соҳада фойдаланиш учун мослаштирилиб, қурилиш
меъёрий қоидалари талабларига мувофиқ бизнес-режа асосида қайта
таъмирланиши мумкин.*

ИЗОҲ: Сотилиши белгиланган “объект”нинг бошланғич баҳоси, уларнинг ҳақиқий баҳолан-
ган вақтига нисбатан эркин муомаладаги валютада ҳисобланган. Талаб ва таклифлардан келиб
чиққан ҳолда мазкур бино миллий валютада сотилиши мумкин, бунда тўловлар тўлов кундаги
Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валю-
тада амалга оширилади.

Танлов шартлари:

1. Энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
2. Энг юқори қўшимча инвестиция киритилишини таклиф этиш;
3. Сотиб олиш ва қўшимча инвестиция киритили-
шини қисқа муддатларда амалга ошириш;
4. Қисқа муддат ичида (кўпи билан 1,5 йил) қури-
лиш меъёрий қоидалари (КМК) талабларига мувофиқ
туғатиш;
5. Фаолият турини «Бизнес-режа»га асосан амалга
ошириш;
6. Атрофини ободонлаштириш;
7. Қўшимча иш жойларини ташкил этиш.

Танлов савдосида қатнашиш учун аризалар қабул
қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Талаб-
горлар ўрнатилган тартибда тақдим этиладиган ари-
зага қўшимча тарзда зақалат тўлов қоғози ва тан-
лов шартлари бўйича ўз таклифларини

(Бизнес-режани) конвертга муҳрланган ҳолда тақдим
қиладилар.

Танлов савдоларида қатнашиш учун объект бошлан-
ғич нархидан 10 фоизи миқдоридида зақалат пули
эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари)да Ўзбе-
кистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош бош-
қармаси ҳисоб касса марказидаги ФА 00014,
21508840000600289002 ҳисоб рақамига ўтказилади.
SWIFT: CBUZUZ22.

Миллий валютада «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат уни-
тар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонто-
хур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967,
20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.
Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моваро-
уннаҳр кўчаси, 16«А»-уйда ўтказилади.
Телефонлар: 233-23-49, 233-23-40.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2008 йил 20 май кунини соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани суд ижрочилири бўлими
томонидан 2004 йил 17 сентябрдаги 10-0401/8702-сонли ижро
ҳужжатида асосан тақдим этилган, «RELUKS» МЧЖга тегишли
Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Фозилтепа (собиқ Турсунку-
лов) кўчаси 2 «А»-уй манзилида жойлашган ишлаб чиқариш
цеҳининг бино ва иншоотлари (Блок-А, ум.майд. 827 кв.м.).
Бошланғич баҳоси-83 040 000 сўм.

Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани суд ижрочилири бўлими
томонидан 2004 йил 1 августдаги ижро ҳужжатида асосан тақ-
дим этилган, Тошкент шаҳар ИИББ ИХХБга қарашли 8-сонли
маҳсус жарима майдонида сақланаётган, давлат рақами 1077473
бўлган ва 1974 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-2402» русумли
автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-567 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилири иштирокида жойга чиқиб
қўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳуж-
жатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатил-
ган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридида
зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Уни-
версал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранс-
порт» филиалининг «Альяс» минибанкидаги, МФО 00417,
СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва
савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари
шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар-
ни ва зақалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин
тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари
масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиши-
нгиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Хўжаев
кўч. 1-уй. Тел. 238-69-94, 238-69-93. Лицензия DB001-000010.

Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфи-
даги Республика тасвирий ва амалий санъат
лицей-интернати 2008—2009 ўқув йилига 2001
йилда тузилган иқтидорли ўғил ва қиз бола-
ларни тасвирий санъат ва мусиқа бўлимларига
танлов асосида

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қолган синфларнинг бўш ўринларига мута-
хассислиги бўйича тайёргарлиги ва қобилияти
бор бўлган ўқувчилар танлов асосида қабул
қилинади.

Аризалар 2008 йил 1 майдан 31 майгача
қабул қилинади.

Қабул имтиҳонлари 2 июндан бошланади.
Манзилимиз: 700152, Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани, 22-мавзе, 1-А уй
Автобуслар: 2,8,33,41, 77,87,182.
Троллейбуслар: 12,13 /Москва остонаси бе-
кати (Подмосковная)/
Машрут таксилар: 14,15,21,22
Телефонлар: 274-92-21, 274-96-45,
274-96-44

Содиқова Вазира Искандаровна номи-
га берилган икки гувоҳнома, яъни—2006
йил 20 декабрда берилган, рўйхат рақа-
ми 3809-00-ББ бўлган, ББ № 017353 ра-
қамли буюм бозорларида чакана савдони
амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳ-
номаси ҳамда 2006 йил 4 декабрда бер-
илган реестрдаги тартиб рақами 0103614
бўлган, «Чилонзор буюм бозори» ОАЖ 6-
айвон, 5-қатор, 15-жойда савдо қилиш
ҳуқуқини берувчи № 01-02078 рақамли
якка тартибдаги тадбиркорни давлат
рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳно-
ма йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанба-
дан ташқари ҳар кун соат
9.00 дан 16.00 гача қабул
қилинади. Маълумотлар учун
телефон: 233-28-95. Факс:
(3712) 233-21-56. Манзили-
миз: Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 2-қават,
208-хона.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-306

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3350 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси
босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3456